

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 31 Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2015 йил 17 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2015 йил 3 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси тасдиқлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2016 ва 2017 йиллар мобайнида:

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси нормаларининг амал қилиши ва самарадорлиги мунтазам равишда ҳамда ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилинишини таъминласин;

зарур бўлган ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг айрим нормаларини янада такомиллаштиришга қаратилган таклифларни белгиланган тартибда киритсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 20 январь,  
ЎРҚ-400-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2016 йил 21 январда эълон қилинган.